



БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ВА ИЛК ДАВЛАТЛАР ПАЙДО БЎЛИШИНING ИЖТИМОИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ АСОСЛАРИ

Поёнов Ихтиёр Абдимўмин ўғли

Қаршии давлат университети жаҳон тарихи кафедраси мустақил тадқиқотчиси

E-mail: poynovixtiyor9696@gmail.com

Tel: 998 (93) 072 49 69

Аннотация. Мазкур мақолада Қадимги Ўзбекистон ҳудудида илк давлатлар пайдо бўлишининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий асослари ҳамда бошқарув тизимининг шаклланиши ҳақида маълумотлар берилади. Шунингдек, антик ва ўрта асрлар давридан бошлаб давлатнинг келиб чиқиши тўғрисида дастлабки қарашлар пайдо бўлиб, улар асосида турли назариялар ишлаб чиқилган. Уларнинг тарафдорлари ўзларининг мафкуралари, ёндашувлари ва дунёқарашларига асосланиб маълум назарияларини исботлашга ҳаракат қилганлар. Ушбу назарияларда абстраксия (мавҳум тасаввур), умумий фалсафий усуллар устунлик қилиб, муаммонинг тарихий-ҳуқуқий жиҳатларига кам ётибор қаратилган. Мазкур масалани кўриб чиққан олимлар (Р.В.Ртвеладзе, А.Х.Саидов, А.В.Абдуллаев) бир қатор назарияларга берган тарифлари ҳақида маълумотлар берилади.

Калит сўзлар. “Матриархат”, “Халқ йиғини”, Уруғчилик тизими, Ибтидоий жамият, Қишлоқ оқсоқоли, Оқсоқоллар кенгаши”, Қадимги Миср, Шумер-Аккад, Оссурия, Бактрия ва Суғд.

СИСТЕМА ПРАВЛЕНИЯ И СОЦИАЛЬНЫЕ, ЭКОНОМИЧЕСКИЕ И ПОЛИТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПЕРВЫХ ГОСУДАРСТВ.

Аннотация. В данной статье дается информация о социальных, экономических и политических основах возникновения первых государств на территории древнего Узбекистана, а также о формировании системы управления. Также со времен античности и средневековья появляются первые взгляды на происхождение государства, на основе которых разрабатываются различные теории. Их сторонники пытались доказать определенные теории, основанные на их идеологии, подходах и мировоззрении. В этих теориях преобладают абстракция (абстрактное воображение), общие философские методы, мало внимания уделяется историко-правовым аспектам проблемы. Ученые, рассмотревшие данный вопрос (р.МюРтвеладзе, А.Ч.Саидов, А.М.Абдуллаев) дается информация о тарифах, которые он дал ряду теорий.

Ключевые слова. "Матриархат", "Народное собрание", семейная система, первобытное общество, сельский старейшина, совет старейшин", Древний Египет, шумеро-аккадский, Ассирийский, бактрийский и Согдийский.

THE SYSTEM OF GOVERNMENT AND THE SOCIAL, ECONOMIC AND POLITICAL FOUNDATIONS OF THE EMERGENCE OF THE FIRST STATES.

Abstract. This article provides information on the social, economic and political foundations of the emergence of the first states on the territory of ancient Uzbekistan, as well as on the formation of a management system. Also, since antiquity and the Middle Ages, the first views on the origin of the state have appeared, on the basis of which various theories have been developed. Their supporters tried to prove certain theories based on their ideology, approaches, and worldview. These theories are dominated by abstraction (abstract imagination), general philosophical methods, and little attention is paid to the historical and legal aspects of the problem. The scientists who have considered this issue (R.MuRtveladze, A.Ch.Saidov, A.M.Abdullaev) provide information about tariffs, which he gave a number of theories.

Keywords. "Matriarchy", "National Assembly", family system, primitive society, village elder, council of elders", Ancient Egypt, Sumero-Akkadian, Assyrian, Bactrian and Sogdian.

Кириш бўлими.

Юзлаб минг йилликларни ўз ичига олган инсоният тарихида дастлабки давлатлар ва шаҳарларнинг ташкил топиши, хунармандчилик ва савдонинг ривожланиши, ёзувнинг келиб чиқиши - нисбатан кейинроқ юзага келган ҳодисалардир. Давлатчилик жаҳон тарихида миллоддан аввалги IV минг йилликнинг охирларида Шарқда вужудга келган бўлиб, инсоният тамаддудининг сўнгги 5 минг йили билан боғланади.

Қадимги давлатлар ўз ривожланиш босқичларида, турли хусусиятлар ва тарихий қонуниятларга ега бўлган. Даставвал, илк давлатлар хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шакллари - деҳқончилик ва чорвачилик қайерда олдин ривож топган бўлса, ўша йерда вужудга келди. Ўзлаштирувчи хўжаликка (овчилик, балиқчилик) асосланган биронта-бир жамиятда давлатлар пайдо бўлмаган.

Методлар бўлими.

Уруғчилик жамоаларида бошқарувнинг илк шакли ижтимоий бошқарув сифатида сўнгги палеолит даврида вужудга келган. Жаҳон тарихи даврлаштирилишида бу босқич инсон ҳаётида қариндошларнинг алоҳида бирлашуви - уруғи жамоасига айлана бориши билан боғланиб, она уруғи даври - матриархат деб аталади. Мезолит ва неолит даврида Ўрта Осиёнинг тоғлар, даштлар, кўл ва денгиз бўйларида жойлашган, овчилик ва балиқчилик билан шуғулланган аҳолининг ижтимоий ҳаётида матриархат яъни ёши катта аёлларнинг (катта она) мавқеи еркакларникига нисбатан анча баланд еди. Бу давр уруғчилик жамият ижтимоий-иқтисодий ривожига қон-қариндошлик

тамойилининг муҳимлиги юқорида таъкидланди¹⁹².

Матриархатнинг хусусияти шундан иборат едики, қариндошлик она томонидан белгиланиб, биринчи галда уруғ, оила ичида намоён бўлган (болаларни тарбиялаш, озиқ-овқат маҳсулотларни тақсимлаш, овқат ва кийим-бош тайёрлаш, жамоадаги ўзаро алоқаларни тартибга солиш, ички муносабатларни назорат қилиш). Аммо меҳнат қуролларини ясаш, овчилик ва балиқчилик машғулотларини ташкиллаштириш ва амалга оширишда еркакларнинг аҳамияти катта бўлган. Шу тариқа ташкилий-бошқарув фаолият вужудга келган. Бу борада еътиқод маросимларини амалга ошириш зарурияти ҳам еътиборга молик.

Хўжалик шакллари ривожлантириш, билим ва кўникмаларни авлоддан-авлодга ўтказиш жараёни ўз тажриба ва амалий билимлари билан жамоада ажралиб турган моҳир қуролсоз, балиқчи ва овчиларни сараланишига олиб келган. Уруғчилик тизимида урф-одатлар ва ахлоқий хислатлар устунлик қилиб, ҳуқуқий муносабатлар шаклланмаган¹⁹³.

Ибтидоий жамият тарихида ижтимоий бошқарув тамоийллари ва вазифалари турли кўринишларда бўлиб, улар ташкил қилиш, тартибга солиш, назорат, жамоатнинг ички муносабатларини бошқариб туриш функциялари билан боғланган еди. Шу тарзда ижтимоий-иқтисодий талаблари, обрў-еътиборига ега, ўзларининг шахсий ахлоқий хислатлари, амалий билимлари ва тажрибалари билан бошқалардан ажралиб турган шахсларнинг сараланишига олиб келган. Уруғ оқсоқоли ва қабилалар йўлбошчилари жамоалар вакиллари йиғинида (“Халқ йиғини”) сайланган. Ибтидоий жамият тарихида йўлбошчи раҳбар ижтимоий фойдали фаолияти билан банд бўлиб, уруғ-қабила одатларига асосланган ижтимоий ҳокимият дастлаб сиёсий давлат мақоми даражасига йетмаган ижтимоий ташкилот шаклини ўзида ифода етган¹⁹⁴.

Ибтидоий тарихда (илк уруғчилик жамоаси даврида) аҳолининг жойлашуви қон-қариндошлик алоқалари билан белгиланган. У ёки бу ҳудудда фақат битта қон-қариндош уруғ аъзоларигина яшаган. Хўжалик ишлаб чиқарувчи шакллариининг тараққиёти аҳоли жойлашуви ҳудудларнинг кенгайишига, ташқи алоқаларнинг узлуксиз ривожланишига олиб келган. Ишлаб чиқариш зарурати ва бошқа иқтисодий омиллар шуни тақозо етган. Шу тариқа аҳолининг аралаш жойлашуви жараёни бошланган. Бунда бир ҳудудда турли уруғ намояндалари яшайдиган бўлган. Ана шундай қилиб, жамиятнинг янги ҳудудий ташкилоти вужудга келган, ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган катта оилалар пайдо бўлган.

Натижалар бўлими.


¹⁹² Абдуллаев Ў. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент: Академия, 2009.

¹⁹³ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Адолат, 2001.

¹⁹⁴ Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005.

Ўзбек халқи, Ўрта Осиё халқлари ва уларнинг аجدодлари тарихида илк давлатчиликнинг вужудга келиши масаласини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ўрта Осиёда илк давлатчилик тузумига бронза давридаги суғорма деҳқончилик ривожланиши ва ихтисослашган ҳунармандчилик замин яратган еди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиёда давлатчилик тизимига ўтиш жараёни фақат ички сабабларга боғлиқ бўлмай, Шарқдаги юқори даражада ривожланган анъанавий тарихий-маданий алоқалар ҳамда миграциялар ташқи таъсир жараёнлари билан боғлиқ еди. Марғиёна-Бактрия ҳудудидан топилган юқори сифатли олтин, кумуш ва бронза буюмлари, ўзига хос меъморчилик анъаналари нафақат ташқи савдо ва ўзаро алоқаларнинг ривожланганлигидан, шунингдек миграциялар натижасида цивилизациянинг янги ўчоқларининг вужудга келишидан далолат беради. Қадимги Шарқ давлат марказлари билан этномаданий ва иқтисодий муносабатлар муаммоси долзарб мавзу бўлиб, археология маълумотлари ўзаро алоқалардаги мавжуд технология ва иқтисодий инновация – янгиликларнинг ёйилиш хусусиятларини очиқ беради¹⁹⁵.

Ишлаб чиқарувчи ҳўжаликларга асосланган ибтидоий жамиятнинг белигилари



Илк давлатларнинг ҳудудий асосини бир-бирига яқин жойлашган кўшни деҳқончилик туманлари ташкил етган. Ҳўжалик юритиш мақсадида ўзлаштирилган ҳудудларда аҳоли зич жойлашган бўлиб, улар қадимги деҳқончилик туман-воҳалари деб аталган. Уларнинг ҳар бирида ҳосилдор йерлар ва суғориш тизимидан ташқари уй-кўрғонлар ва манзилгоҳлар, екин екилмаган йерлар ва яйловлар мавжуд бўлган. Қадимги деҳқончилик туманларининг тузилиши табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий муҳит билан боғлиқ еди. Бир неча туманлар вилоятни ташкил етган.

Юқорида кўрсатилган омиллар билан боғлиқ ҳолда бошқарувнинг ҳудудий функциялари ҳам вужудга келган. Ушбу функциялар маълум ҳудудларда жойлашган

¹⁹⁵ История государственности Узбекистана. Ртвеладзе Э.В. Периодизация развития и типология ранних государств // Отв. ред. Ртвеладзе Э.В., Алимова Д.А. Т.1. – Ташкент: «Узбекистан», 2009.

ўтроқ зироатчилар жамоалари, деҳқончилик воҳа-туман ва вилоят (бир неча туман) аҳолисининг муносабатларини назорат қилиш ва бошқариб туриш заруриятидан келиб чиққан¹⁹⁶.

Шу тариқа илк давлатчиликка ўтиш жараёни бошланган. Иккинчи босқич жамоанинг ўзини-ўзи бошқарув муассасаларининг йўлбошчи ҳокимиятига тўла бўйсундирилиши билан боғлиқ бўлиб, ушбу жараёнда жамоа аъзолари ўртасидаги ички ва ташқи алоқаларнинг ҳуқуқий тартиби янада такомиллашиб боради. Бу ҳолат еса давлат тизимидаги турли вазифаларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва ҳокимиятнинг ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилишига олиб келади. Илк давлатчилик тизимида бошқарув иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳудудий функциялар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган¹⁹⁷.

Юқоридагилардан хулоса тарзда таъкидлаш жоизки, Қадимги Шарқнинг илк давлатлари (“номлар”, шаҳар-давлатлар) тарихи дастлаб жамиятнинг қуллар ва қулдорларга бўлинишидан бошланмаган экан. Жамиятда қарама-қарши синфлар пайдо бўлиб, илк давлатларнинг вужудга келишига асосий сабаб бўлди деган хулоса, яъни давлат келиб чиқишига оид синфий назария кўп жиҳатдан таҳрирга муҳтож. Ушбу жараённинг муҳим омилларидан бири синфий қарама-қаршиликка алоқаси бўлмаган жамиятнинг ижтимоий-амалий вазифалар жиҳатидан бўлиниши, жамоалар унинг умумий манфаатларини амалга ошириш мақсадида бирлашуви заруриятидир. Бу ҳол, енг аввало, ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий ва диний омилларга боғлиқ бўлган. Давлатчилик асослари, сиёсий институтлар шакллангандан сўнг жамиятда чуқур мулкӣ ва ижтимоий табақаланиш жараёнининг бошланиши намоён бўлган¹⁹⁸.

Илк давлатларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида дастлаб озод жамоа аъзоларининг меҳнати муҳим ўрин тутди. Аҳоли сонининг ўсиши ҳамда янги аҳоли жойлаша оладиган ҳудудларга, бўз йерлар ва чорва учун яйлов, маъданларга бой манбаларга ега бўлиш еҳтиёжи катта ё кичик урушларга сабаб бўлган. Доимий ҳарбий босқинлар шароитида баъзи бир давлатлар тор-мор етилиб, баъзи бирлари еса кучайиб борган. Босқинчилик урушлари натижасида асирлар ва хонавайрон жамоа аъзолари қуллиikka маҳкум бўлганлар. Қулларнинг ўсиб бориши билан уларнинг меҳнатидан бинокорлик, сунъий суғориш иншоотларини барпо етиш ва ишлаб чиқа-риш мақсадларида кенг фойдаланилган¹⁹⁹.

Шу тарзда тарихда қулдорчилик тузуми Қадимги Миср, Шумер-Аккад ва Оссуриядек ўртамеъна ҳудудга ега давлатларда (ўрта подшоликлар) вужудга келган.

¹⁹⁶ Қадимги давлатчилик ва урбанизация (тарихий лавҳалар) / Масъул муҳаррир Р.Х.Сулаймонов. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2010.

¹⁹⁷ Асқаров А.А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарқанд, 1993.

¹⁹⁸ Асқаров А.А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарқанд, 1993.

¹⁹⁹ Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: Академия, 2006.

Уларнинг иқтисодий асосини йирик сарой, ибодатхоналар ва катта оила жамоаларнинг хўжаликлари ташкил етган. Жамиятда бой-бадавлат кишилар ва айрим тўқ оилаларнинг обрў-еътибори, ижтимоий ўрни баланд бўлган. Шунингдек, ўрта ҳол ва қашшоқ аҳоли гуруҳлари ҳамда қуллар мавжуд еди. Қадимги давлатлар ривожининг босқичларида, ўзига хос хусусиятлар ва тарихий қонуниятлар мансуб бўлган. Шу боисдан давлатчилик тарихини даврлаштириш ва қадимий жамиятларга оид тарихий воқеаларни қиёсий ўрганиш долзарб вазифадир. Ўрта Осиё ҳудудларида ҳам илк давлатлар қулдорлик давлатлар сифатида вужудга келмаган. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияларнинг турли хиллигини тан олиб, мазкур мавзуга оид синфий назариядан воз кечиш мақсадга мувофиқдир²⁰⁰.

Мунозара бўлими.

Археологик манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, илк темир даври Бактрия ва Суғд жамоаларидаги асосий ишлаб чиқарувчи кучларни бир неча кичик оилалардан иборат хонадон жамоалари (катта оила вакиллари) ташкил етган. Уй-қўрғонлар жойлашувининг ташқи белгилариёқ, уй-жамоалари афтидан анча йирик ҳудудий қўшни жамоаларни ташкил қилганидан далолат беради. Бошқарув тартибида уй егалари, шунингдек, айрим воҳа-туманларини бошқарувчилари катта аҳамиятга ега бўлган²⁰¹.

Алоҳида хонадонлар ўртасидаги қариндошчилик муносабатлари каби белгилар афтидан, иккинчи даражали бўлиб борган. Бу шунда кўринадик, ҳар бир катта оила мумкин бўлган қариндошчилик алоқаларига қарамасдан, алоҳида хусусий мулкка, ўз уй-жойига, ишлаб чиқариш қуролларига, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорваларига ега бўлишган, бир сўз билан айтганда, улар ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган хўжаликни акс еттирганлар. Катта оилали жамоалар шакли жамоадаги ишлаб чиқариш ва хўжалик характериға боғлиқ бўлиб, улар жамоатнинг иқтисодий жиҳатдан мустақамланишиға олиб келди²⁰².

Уй-қўрғон егаларининг ҳуқуқлари анча юқори бўлиб, улар оила ва жамоадаги иш юритувчилар сифатида анъанавий қишлоқ хўжалик шакллари ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини қўпайтириш мақсадида турли муносабатларни бошқариб турган. Бу ижтимоий тузумда айрим гуруҳлар деҳқончилик хўжалиги билан машғул бўлган. Шунингдек, тузумда уй чорвачилиги, ихтисослашган ҳунармандчилик, қурилиш ишлари билан шуғулланувчилар, умуман, ишлаб чиқарувчилар бор еди. Ундан ташқари, ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлмаган ижтимоий-иқтисодий тизимда режалаштириш, ташкиллаштириш, тартибға солиш ва назорат қилиш вазифаларни амалға оширган шахслар ҳам мавжуд бўлиб, бу тоифа кишиларига уй-қўрғон егалари, жамоа оқсоқоллари, диний арбоблар, туман ва вилоят ҳокимлари кирган. Уларнинг барчаси

²⁰⁰ Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.

²⁰¹ Қадимги давлатчилик ва урбанизация (тарихий лавҳалар) / Масъул муҳаррир Р.Х.Сулаймонов. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2010.

²⁰² Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Ўзбекистана VII в до н.э. – VII в н.э. – Ташкент: Фан, 2000.

жамият ҳаёти ва ишлаб чиқариш тартибида тутган ўрни билан бошқалардан фарқ қилган²⁰³.

Ўзбекистон ҳудудларида давлатчилик деҳқончиликдан ихтисослашган хунармандчиликнинг ажралиб чиқиши туфайли илк шаҳар марказлари асосида ривожланган. Шаҳар марказларининг аҳамияти, айниқса ҳарбий тўқнашувлар пайтида янада ошиб, улардан туман аҳолиси томонидан бошпана ва ижтимоий мулкнинг асосини ташкил етувчи чорва подалари учун пана жой сифатида фойдаланилган.

Тарихий маълумотларга кўра, илк темир даврида Ўзбекистон жанубидаги жамоаларда “уй егаси”, “қишлоқ оқсоқоли”, “оқсоқоллар кенгаши”, “воҳа-туман ҳокими” каби мансаблар мавжуд еди. Ижтимоий тузумнинг бу поғонаси илк давлатчиликнинг юқори даражаси бўлиб, у жамоаларнинг ижтимоий ҳаётида ўз обрў-еътибори ва аҳамиятини сақлаб қолди. Жамоа учун ташкилий бошқарув кенг кўламдаги қурилиш, суғориш ва деҳқончилик ишларини ташкил етиш пайтида зарур еди. Йўлбошчи ҳокимларнинг бошқалардан ажралиб туришига қадимги шаҳарларнинг ички қалъасида уларнинг алоҳида жойлашган сарой қўرғонлари мавжудлиги ҳам гувоҳлик беради. Бу ҳокимият жамоанинг ички ва ташқи муносабатларини бошқариб турган²⁰⁴.

Хулоса.

Ушбу бўлимга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, милoddан аввалги VII-VI асрлар Қадимги Бактрия жамиятида янги йерларни ўзлаштирилиши асосида ўтроқлашув жараёнлари кучаяди. Кўҳна шаҳарлар ривожланиб, уларнинг атрофларида ишлаб чиқариш хўжаликлари, қалъалар, таянч истеҳкомлар пайдо бўлади. Турли бинолар бунёд етишда мудофаа иншоотларининг аҳамияти ортади.

Милoddан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида Бактрия давлати доирасида нафақат сиёсий, балки етник маданий бирликни ташкил етган. Кўҳна шаҳарларнинг археологик хусусиятларига кўра, яъни қурилиш услублари, меъморчилик санъати, моддий маданиятдаги ўхшашликлар юқоридаги фикрларни далиллайди. Бундай ўхшашликлар иқтисодий ва маданий муносабатлар ҳамда сиёсий бирлик асосида пайдо бўлиши мумкин еди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар.

1. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. – Тошкент: Фан ва технология, 2008.

2. Асқаров А.А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарқанд, 1993.

²⁰³ Қудратов С.С. Марказий Осиё ҳудудларида илк давлатларнинг пайдо бўлиши. – Гулистон, 1998.

²⁰⁴ Сагдуллаев А.С., Аминов Б. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000.

3. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001.
4. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самарқандского Согда. – Ташкент, 2002.
5. Сагдуллаев А.С., Аминов Б. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000.
6. Массон В.М. Первые цивилизации. – Л., 1989.
7. Абдуллаев Ў. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент: Академия, 2009.
8. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005.
9. История государственности Узбекистана. Ртвеладзе Э.В. Периодизация развития и типология ранних государств // Отв. ред. Ртвеладзе Э.В.,
10. Алимова Д.А. Т.1. – Ташкент: «Узбекистан», 2009.
11. Сагдуллаев А.С. Становление раннебактрийской и раннесогдийской государственности // История государственности Узбекистана. Т. I. –Ташкент: «Узбекистан», 2009.
12. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: Академия, 2006.
13. Қадимги давлатчилик ва урбанизация (тарихий лавҳалар) / Масъул муҳаррир Р.Х.Сулаймонов. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2010.
14. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Ўзбекистана VII в до н.э. – VII в н.э. – Ташкент: Фан, 2000.
15. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шарқ, 2001.
16. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент. Янги аср авлоди, 2003.
17. Қудратов С.С. Марказий Осиё ҳудудларида илк давлатларнинг пайдо бўлиши. – Гулистон, 1998.
18. Эшов Б.Ж. Суғдиёна тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 2002.
19. Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.